САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.04/30.12.2019.Tib.102.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

МАХПИЕВА ГУЛДОНАХОН КАБИЛЖАНОВНА

СЕМИЗ БОЛАЛАРДА БРОНХИАЛ АСТМАНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА ТАШХИСОТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

14.00.09 – Педиатрия

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Самарқанд – 2022

УЎК:616.248+616-056.52+616-0.53.2

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of the Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)

Махпиева Гулдонахон Кабилжановна
Семиз болаларда бронхиал астманинг олдини олиш
ва ташхисотини такомиллаштириш 3

Махпиева Гулдонахон Кабилжановна
Совершенствование диагностики и профилактики
бронхиальной астмы у детей с ожирением..... 23

Mahpieva Guldonahon Kabiljanovna
Improvement of diagnosis and prevention of bronchial
asthma in children with obesity..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works 47

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.04/30.12.2019.Tib.102.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

МАХПИЕВА ГУЛДОНАХОН КАБИЛЖАНОВНА

СЕМИЗ БОЛАЛАРДА БРОНХИАЛ АСТМАНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА ТАШХИСОТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

14.00.09 – Педиатрия

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Самарқанд – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.2.PhD/Tib1171 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.sammi.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Шамсиев Фурқат Мухитдинович** тиббиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Шарипов Рустам Хаитович** тиббиёт фанлари доктори, доцент
	Миррахимова Мактуба Хабибуллаевна тиббиёт фанлари доктори, доцент
Етакчи ташкилот:	**Тошкент педиатрия тиббиёт институти**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат тиббиёт университетии ҳузуридаги PhD. 04/30.12.2019.Tib. 102.01 рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил «26» августа куни соат 12⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: Самарқанд шаҳри, М.Улуғбек кўчаси, 70а-уй, СамДТУ 2-сон клиникаси (Кўп тармоқли ихтисослашган болалар хирургия маркази), Тел/факс: 0(366)-233-58-92,233-79-03, e-mail: shodikulovagulandom@mail.ru).

Диссертация билан Самарқанд давлат тиббиёт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№1068 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: Самарқанд шаҳар Амир Темур кўчаси, 18-уй. Тел./факс: (+99866) 233-30-34.

Диссертация автореферати 2022 йил «15» августа куни тарқатилди.
(2022 йил «15» августа даги 3/п рақамли реестр баённомаси).

А.М.Шамсиев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Г.З.Шодикулова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

Ж.О.Атакулов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертациянинг долзарблиги ва зарурати. Дунёда болалар орасида семизлик ва бронхиал астманинг биргаликда учраши бу касалликнинг оғир кечиши билан ажралиб туради ва асосий тиббий-ижтимоий муаммолардан бири ҳисобланади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра «...Жаҳонда бронхиал астмадан касалланганлар сони 300 млндан ортиқ бўлиб, хар йили 13 миллионида ногиронлик ривожланади... болалар ногиронлиги сабаблари орасида бронхиал астма ва семизлик ўртача 12-18% ни ташкил этади ва беморларнинг 85% да нафас етишмовчилиги келиб чиқади…»[1]. Айни пайтда болаларда бронхиал астма ва семизликни учраш даражасини юқорилиги, патогенезининг мураккаблиги ва касаллик оқибатларининг оғирлиги ўз навбатида, уни эрта ташхислаш, оқибатларини башоратлаш ва даволаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш тиббий ва ижтимоий жиҳатдан долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Жаҳонда болаларда бронхиал астма ва семизликнинг учраш даражаси ва ривожланишининг клиник-генетик жиҳатларини аниқлаш, даволаш ва профилактикасини такомиллаштириш бўйича кенг қамровли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада, болаларда бронхиал астма ва семизлик шаклланишининг патогенетик механизмлари ҳамда прогностик хавф омилларини аниқлаш, ўзгаришларнинг яхлит клиник кўринишини шакллантириш, профилактика ҳамда даволаш усулларини мувофиқлаштириш, болалар ўртасида соматик касалликларни эрта ташҳислаш ва асоратларини олдини олишга қаратилган илмий тадқиқотларни олиб бориш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, хусусан, семизликни бронхиал астма билан коморбид кечишини эрта ташхислаш ва унинг асоратларини камайтириш, шунингдек, БА бор болаларда касалликнинг даволаш усулларини такомиллаштириш ва олдини олишга қаратилган кенг қамровли чора тадбирлар амалга оширилиб муайян натижаларга эришилмоқда. «...Оналар ва болаларга сифатли тиббий ёрдамдан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, ихтисослашган ва юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатиш ва чақалоқ, болалар ўлимини камайтириш...»[2] каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиқган ҳолда бронхиал астма билан касалланган болаларда семизликнинг ривожланиш хавф омилларини, учраш частотасини, пери- ва постнатал омилларнинг ножўя кечишини, ирсий мойилликни бахолаш, ҳамроҳ соматик патологиянинг учрашини аниқлаш, метаболик ўзгаришларни учраши липопротеидлар даражасини ва глюкозага толерантлик тестининг ўзгариши натижасида кардиоваскуляр ва нафас бузилишини, болаларда D витаминининг миқдорий тахлили ўтказилиб касаллик кечишида патогенетик

[1] http://www.who.int/mediacentre.

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июндаги «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3071-сон Қарори.

аҳамиятини асослаш орқали касалланиш ва оғир асоратлар ривожланишини олдини олишга, ногиронлик кўрсатгичларини камайтириш имкон беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикасининг соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 ноябрдаги ПҚ-4513-сон «Репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомиладор аёллар ва болаларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини ошириш ва кенгайтириш тўғрисида», 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослаштирилган тиббий ёрдамни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти мутахассисларининг маълумотларига кўра БАнинг кенг тарқалганлиги, ҳамда ўлим даражасининг нисбатан юқорилиги кузатилган (Каганов С.Ю., 2018; Геппе Н.А., 2020). Охирги йиллардаги илмий тадқиқотларда, бронхиал астма (БА) ва семизлик каби ижтимоий аҳамиятли ва кенг тарқалган касалликларнинг ёндош кечиши тобора кўп учраши изохланган (Лебеденко А.А. 2018, Трошина Е.А., 2019, Rzehak P. et al., 2019). БА кузатилган болаларнинг жисмоний ва ижтимоий фаоллигини чегаралаш натижасида беморлар ҳаёт сифати ёмонлашади. БА сурункали бронх-ўпка патологиясида ногиронлик сабабларининг кўп учрайдиган омилларидан бири ҳисобланиб, сурункали ўпка касаллиги оқибатида умумий ногирон болалар сонининг 70%ини ташкил қилади (Лешукович Ю.В., 2016; Ковалевская М.Н., 2017; Каганов С.Ю., 2018; Геппе Н.А., 2020).

МДҲ давлатлари ва етук хорижий пульмонологларнинг илмий тадқиқотларида БАнинг оғир ва мураккаб кечишлар сонининг ўсиши аниқланган (Чучалин А.Г., 2019; Малахов А.Б., 2019; Геппе Н.А. 2020). Болаларда БА ни ўрганиш ва бу тоифадаги беморларни парваришлаш бўйича дифференциал дастур ишлаб чиқиш бўйича кенг қамровли изланишлар олиб борилади (Баранов А.А., 2017). Замонавий концепцияга кўра, бронхиал астманинг патогенетик негизида бронхларнинг сурункали аллергик яллиғланиши ётади. Касаллик келиб чиқишининг аниқ сабаби ҳанузгача аниқланмаганлиги сабабли унинг патогенезини ўрганиш зарурлиги замонавий тиббиётнинг муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. Бу ўз навбатда, касалликнинг келиб чиқиши ва сурункали яллиғланишни ҳамда унинг интенсивлигини аниқлашга сабаб бўлувчи кўплаб молекуляр, ҳужайравий ва иммун механизмларни ўрганишни талаб қилади (Захарова И.Н., 2018; Мизерницкий Ю.Л., 2019., Fitzpatrick A.M. et al., 2019). Болаларда

БА ривожланишининг мавжуд хавф омиллари орасида D витаминининг (25(OH)D) аҳамияти ва унинг танқислиги респиратор касалликларга мойиллигида намоён бўлиши ўрганилмоқда (Захарова И.Н., 2020).

Ўзбекистонда олимлар томонидан болаларда БАнинг эпидемиологик, клиник-функционал, биокимёвий, иммунологик хусусиятларини баҳолаш асосида касалланишнинг пасайиши бўйича диагностик ва профилактик тадбирларни оптималлаштиришда, шунингдек болалар ҳаёт сифатини яхшилаш ҳамда ногиронликни камайтириш бўйича устувор илмий-тадқиқот ишлари бажарилмоқда (Зиядуллаев Ш.Х., 2015, Агзамова Ш.А., 2021). Шунга қарамасдан болаларда бронхиал астма ва семизлик муаммосига бағишланган илмий ишлар етарли миқдорда мавжуд эмас. Айни пайтда адабиётларда бу тоифадаги беморларни парваришлаш бўйича чуқурлаштирилган тадқиқотлар олиб боришни талаб қилувчи, даволашга янги самарали ёндашувлар ишлаб чиқиш ҳамда касаллик патогенезини комплекс ўрганишга бағишланган хабарлар етарли эмаслиги аниқланган (Бобомурадов Т.А., с соавт, 2014; Шамсиев А.М., с соавт, 2017).

Ушбу муаммоларни ҳал қилиш, соғлиқни сақлашнинг асосий вазифаларидан бири бўлган педиатрия амалиётида БАда семизлик ўз вақтида диагностика қилиш ва патогенетик асосланган клиник-биокимёвий, функционал ўзгаришларини таҳрирлаш, касалликнинг учраш даражасини пасайишини ҳамда авж олишни секинлаштириш, ремиссия даврини узайтириш, бу касалланиш ўсишини ва ногиронликни камайтиршга ёрдам беради. Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб, семиз болаларда БАни эрта ташхислаш ва даволаш тамойилларини такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотларни амалга ошириш зарурлигини тақозо этади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасанинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Андижон давлат тиббиёт институтининг илмий-текшириш ишлари режасига мувофиқ АДСС 15.1.4. «Болаларда бронхиал астма боскичли коррекция усулини ва башоратлаш мезонларини ишлаб чиқиш» илмий лойиҳаси доирасида амалга оширилган (2015-2019 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади: бронхиал астмали болаларда семизликни учраш даражасини, хавф омилларини аниқлаш ва клиник-функционал кўрсаткичлари, лаборатория параметрлари динамикасини ўрганиш орқали олдини олишга қаратилган комплекс ёндашувлар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

семиз болаларда бронхиал астма ривожланишига сабаб бўлувчи хавф омилларининг ривожланиши ва учраш даражасини аниқлаш;

семиз болаларда бронхиал астманинг клиник хусусиятларини тахлил қилиш;

семиз болаларда бронхиал астманинг биокимёвий параметрларини бахолаш;

семизлик билан бронхиал астма кузатилган болалар терапиясида D витаминининг ролини аниқлаш;

семизлик билан бронхиал астма кузатилган болаларда номедикаментоз профилактика схемасини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2015 йилдан 2019 йилларда Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази ва Андижон вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказида 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган 190 нафар бронхиал астма билан касалланган семиз болалар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида биокимёвий тадқиқотлар учун веноз қон, қон зардоби олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумий клиник, лаборатор, функционал (спирометрия, пикфлуометрия), биокимёвий (витамин Д, глюкоза толерантлик тести ва липид спектори) ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор бронхиал астма билан касалланган болаларда семизликнинг ривожланиш хавф омиллари, учраш частотаси, пери- ва постнатал омилларнинг ножўя кечиши, ирсий мойиллик сабабли, ҳамроҳ соматик патологиянинг ўта юқори кўрсаткичда 51,5% учраши аниқланган;

бронхиал астма билан касалланган семиз болаларда метаболик ўзгаришларни учраши липопротеидлар даражаси, глюкозага толерантлик тестининг ўзгариши натижасида кардиоваскуляр ва нафас олиш тизимида бузилишларга олиб келиши асосланган;

семизлик билан бронхиал астма кузатилган болаларда D витаминининг биохимик кўрсаткичларига таъсирининг патогенетик аҳамияти аниқланган;

илк бор қон зардобидаги D витамини миқдори ва биокимёвий ҳолатини ҳисобга олган ҳолда семизлик билан бронхиал астма кузатилган болаларда патогенетик жиҳатдан асосланган муқобил профилактика усуллари: кам калорияли пархез, енгил жисмоний юкламалар, витамин-минерал комплексни қўллаш орқали такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

семиз болаларда биокимёвий, функционал кўрсаткичларни баҳолаш орқали бронхиал астманинг қўшимча диагностик мезонлари ишлаб чиқилган;

бронхиал астма билан касалланган семиз болаларда таркибида витамин D бўлган препаратларни қўллаш асосида профилактика чора тадбирлари такомиллаштирилган;

бронхиал астма билан касалланган семиз болаларда клиник-лаборатор ва функционал кўрсаткичларига ижобий таъсир кўрсатадиган, касаликни қайталаниш даражасини камайтириш, узоқ муддатли ремиссияга эришиш, нохуш оқибатлар олдини олиш имконини берувчи дифференциал усуллари ассосланган амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда қўлланилган ёндошув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, статистик тадқиқот усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда

маҳаллий маълумотлар билан таққосланганганлиги билан асосланган, илмий хулоса ҳамда олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти назарий тиббиёт учун муҳим аҳамият касб этиб, семиз болаларда бронхиал астма ривожланишининг патогенетик механизмларини клиник-функционал, биокимёвий маълумотларни баҳолаш натижасида семиз болаларда бронхиал астма профилактикасини такомиллаштириш имкон берувчи қўшимча диагностика мезонлари сифатида таклиф қилиниши мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, семизлик билан бронхиал астмани комплекс даволашда D витаминини дифференциал қўллаш касалликнинг клиник кечишига, биокимёвий ва функционал кўрсаткичларига ижобий таъсир кўрсатиб, касалликни авж олишини назорат қилиш, касалхонада даволаниш кунларини камайиши ҳамда эрта ногиронлик юзага келиш ҳавфини камайтиришга эришганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Семиз болаларда бронхиал астманининг олдини олиш ва ташхисоти такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

семиз болаларда БАнинг клиник ва диагностик хусусиятлари бўйича олиб борилган тадқиқотнинг илмий натижалари асосида ишлаб чиқилган “Семиз болаларда бронхиал астманинг клиник ва диагностик хусусиятлари” номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 2 июлдаги 8н-р/607-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома семиз болаларда БА ни ўз вақтида аниқлаш, касалликнинг клиник кечиши, биокимёвий ва функционал кўрсаткичларни яхшилаш орқали касаллик қайталаниш даражасини камайтиришга имконини берган;

семиз болаларда бронхиал астманинг профилактик тадбирларини ўтказиш бўйича олиб борилган тадқиқотнинг илмий натижалари асосида ишлаб чиқилган “Семиз болаларда бронхиал астма профилактик тадбирларининг замонавий методлари” номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 9 декабрдаги 8н-р/1189-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома диагностик ва профилактик чора-тадбирларни такомиллаштиришга ва касалликнинг ножўя таъсирини олдини олиш имконини берган;

семиз болаларда бронхиал астманинг клиник- диагностик хусусиятлари ва профилактик тадбирларни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Жиззах, Андижон вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказлари ва Андижон вилоятининг Бостон ҳамда Асака туман тиббиёт бирлашмаларининг клиник амалиётига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 30 декабрдаги 8н-з/575-сон маълумотномаси). Олинган натижаларнинг амалиётга тадбиқ этилиши, ушбу касалликка чалинган болаларда касалликнинг зўрайиш даражасини икки баробар камайтириш, болалар ҳаёт сифатини яхшилаш ва шу орқали иқтисодий самарадорликни ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш нашр этилган, шу жумладан 6 та мақола, улардан 4 та республика ва 1 та ҳалқаро ва 1та Scopus журналларда, барчаси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация иши мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, шунингдек тадқиқот объекти ва предмети шакллантирилган, тадқиқотларнинг Ўзбекистон Республикаси фан-техника тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Бронхиал астма кузатилган болаларда семизликнинг замонавий кўринишлари (адабиётлар шарҳи)»** деб номланган биринчи бобида семизлик кузатилган болаларда бронхиал астма ҳақидаги замонавий маълумотларга тегишли баҳсли муаммоларни ёритувчи илмий манба материаллари берилган. Болаларда семизлик ва бронхиал астманинг ўзаро боғлиқлиги шунингдек, профилактика ва диагностиканинг замонавий методлари баён қилинган.

Диссертациянинг **«Текширилаётган беморларнинг умумий тавсифи ва тадкикот усуллари»** деб номланган иккинчи бобида вазифалар ечимини таъминловчи материаллар, тадқиқот усуллари ва профилактикаси келтирилган. Семиз болаларда бронхиал астманинг учраш даражасини аниқлаш учун белгиланган вазифаларни ҳисобга олган ҳолда, Андижон вилояти ВБКТТМ пульмонология, ЎзР ССВ РИПИАТМ пульмонология бўлимида 2015-2019 йй. даврида шифохонада даволанган беморларнинг касаллик тарихининг ретроспектив таҳлили ўтказилган.

8919 нафар 0-18 ёшгача булган болаларнингнинг касаллик тарихи ретроспектив таҳлил қилиниши асосида бронх-ўпка патологияси бўлган 485 (5,4%) нафар болада БА аниқланган, улар орасида ўғил болалар 60,4% ва қиз болалар 39,6% ни ташкил этган. Ҳар қайси қайта мурожаат қилган бола бир йилда 4 мартадан 6 мартагача касалхонаган ётқазилди.

7–14 ёшгача бўлган БА билан оғриган 190 нафар болада проспектив чуқурлаштирилган текширишлар олиб борилди. Беморларнинг умумий

сонига нисбатан ўғил болалар – 54,2% ҳамда қиз болалар 45,8% ни ташкил этди. 12,5% болада ташхис клиник текширишлар асосида тасдиқланган, шунингдек, ушбу болаларда иммунореактив трипсинни аниқлаш усули бўйича ҳам МВ га ижобий жавоб қайд этилган. Таққослаш гуруҳи сифатида бронхиал астма (БА) ва семизлик билан касалланган 190 нафар бола кўрикдан ўтказилди.

Улардан 60 нафар болада БА, 130 болада БА семизлик билан, Назорат гуруҳи ўхшаш ёшдаги амалий соғлом 25 нафар боладан иборат бўлди. Динамик текширувда 130 боланинг 37 нафари семизлик бўйича тавсияларга риоя қилмаган:

Беморларда умумклиник, лаборатор текшириш жараёнида умумклиник, функционал, биокимёвий ва Д витамин даражасини аниклаш тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотга қуйидаги мезонлар киритилди: оғирлик даражаси енгил БА, қисман назорат қилинадиган касалликнинг кечиши, нормал тана вазнига эгалик ёки I-II даражадаги алиментар-конституционал семизлик, ёши 7-14 ёш.

Истисно мезонлар туғма эндокрин патологиянинг мавжудлиги, иккиламчи АГ, узоқ вақт давомли гормонал терапия (1ойдан ортиқроқ), қандли диабетнинг биринчи тури, шунингдек болалар 7 ёшгача бўлиши кузатилган. 7-14 ёшли ўсмирлар текширилди, натижада 16,2% болада ортиқча тана вазни, 3,1% болада семизлик қайд қилинди. Беморларда умумклиник, лаборатор текшириш жараёнида фунукионал ва биокимёвий тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Биокимёвий текшириш: РИПИАТМ лабораториясида ўтказилди. EUROIMMUN AG фирмаси ишлаб чиққан EUROIMMUN 25-OH Vitamin D ELISA E150519BY диагностик тест-тизими ёрдамида қон зардобида 25–гидроксикальциферол (D витамини) даражаси аниқланди. Тадқиқотнинг биокимёвий усуллари «Screen Master Plus» биокимёвий ярим автомат анализаторида қоннинг липид спектрини (умумий холестерин, триглицеридлар, ЛПВП, ЛПНП) аниқлашни ўз ичига олади, углевод алмашинуви (қон зардобида глюкоза даражаси, вена қон плазмасида глюкозотолерант тести) иммунофермент усуллар билан аниқланди.

Инструментал текширишлар: Инструментал текширишлар. ЎзР ССВ РИПИАТМ пульмонология бўлимида SEMA 2000 дастуридан фойдаланиб SHILLER SPIROVIT SP–1 (Москва) спирометрида ташқи нафас функцияси (ТНФ) текширилган.

Нафас чиқаришнинг энг юқори тезлигини (НЧЭЮТ) ўлчаш – Narula Udyog Indiaтомонидан ишлаб чиқилган пикфлоуметрия Cat. No.: 54-0950-UZ пикфлоуметр ёрдамида ўтказилди.

Проспектив чуқурлаштирилган тадқиқот 7-14 ёшдаги БА кузатилган 190 болада ўтказилди: 60 нафар болада БА, 130 болада БА семизлик билан, шунингдек шу ёшдаги 25 нафар мутлақо соғлом болалар бўлди.

Динамик текширувда 130 боланинг 37 нафари семизлик бўйича тавсияларга риоя қилмаган:

I гуруҳ (БА ни стандарт даволаш). 45 бола фақат семизликни номедикаментоз даволаш бўйича тавсияларга амал қилган;

II гуруҳ – (БА ни даволаш+семизликни номедикаментоз даволаш). 48 бола семизлик билан БА ни даволаш бўйича тавсияларга риоя қилган;

III гуруҳ –БА ни даволаш +номедикаментоз ва D витаминини қабул қилиш.

Натижаларни статистик қайта ишлаш Microsoft Office Excel-2010 пакетида ишлаб чиқилган дастурда олиб борилди. Ўртача арифметик қиймат (M), уларнинг стандарт хатолари (m) ва Фишер-Стьюдент мезони бўйича ишончли фарқни ҳисоблаш билан вариацион статистика усулидан фойдаланилди. Корреляцион таҳлил Спирмен (Rs) ва Пирсон (r) методларидан фойдаланиб, олиб борилди.

Диссертациянинг **«Семиз болаларда бронхиал астма кечишининг клиник хусусиятлари ва учраш даражаси»** деб номланган учинчи бобида шахсий тадқиқот натижалари таҳлил қилинган.

2015-2019 йилларда бронхиал патология билан 0-18 ёшдаги 8919 бола даволанишга ётқазилди, уларнинг 485 нафарида 5,4% ни ташкил қилиб, БА диагнози аниқланган, улар орасида 293 нафар ўғил болалар ва 192 нафар қизлар бўлган. Ҳар қайси қайта мурожаат қилган бола бир йилда 4 мартадан 6 мартагача касалхонаган ётқазилди. Проспектив чуқурлаштирилган тадқиқот 7-14 ёшдаги БА кузатилган 190 болада ўтказилди: 60 нафар болада БА, 130 болада БА семизлик билан, шунингдек шу ёшдаги 25 нафар мутлақо соғлом болалар бўлди.

Семизлик ва БАнинг оғирлигига қараб болалар қуйидагича тақсимланди: аксарият ҳолатларда болалар семизликнинг (+)2СО-(+)3СО ва (+)3СО даражасига эга бўлдилар. Семизлик стандарт оғишдан ташқарида болалар қуйидагиларга эга бўлдилар: (+)2СО37 (28,4%), (+)2СО-(+)3СО 68 (52,3%), (+)3СО 21 (16,2%), >(+)3СО 4 (3,1%). Олинган маълумотлар асосида аллергик патология ва бронх-ўпка касалликлари кузатилган болалар орасида БА учраш даражаси 5,4% ни ташкил қилди.

Антропометрик маълумотлар таҳлилида БА кузатилган 28,4% болада ортиқча тана вазни аниқланган. БА кузатилган болалар орасида семизликнинг учраш даражаси 3,1% ни ташкил қилди. Туғилишда боланинг ортиқча вазни (4000 грдан ортиқ), дастлабки 3 ойда сунъий овқатлантириш, қўшимча овқатларни эрта бошлаш каби омиллар ҳам семизлик келиб чиқиш хавфининг оширади ҳамда 8,4%, 43,0%, 39,2% болада учрайди (P>0,05), RR=1,08 ни ташкил қилади; туғилишда ортиқча вазнда AR=0,02; EF=7,23%;OR=1,294; сунъий овқатлантиришда RR=1,45;AR=0,28; EF=31,27%;OR=4,23; қўшимча овқатларни эрта бошлашда RR=1,5, AR=0,29; EF=33,6%;OR=5,8 ни ташкил қилади (1-расм).

Асосий гуруҳда 65,3% болада телевизорни узоқ муддат кўриш омилининг юқори солиштирма вазни аниқланди (P>0,05), уларда семизликкнинг пайдо бўлиш хавфи 1,34 марта ортиб кетган, ортиқча касаллик улуши 0,22, этиологик улуши 25,6% га тенг, семизлик билан БАдан касалланиш имконияти назорат гуруҳига нисбатан 25,6 марта юқори.

Телевизор кўрсатувларини кўраётиб овқатланиш 61,5%, ёмон кайфиятда овқатни тўйиб ейиш 33,42% беморда, қовурилган овқатларни ҳаддан ташқари кўп истеъмол қилиш 70% беморда, ширинликларни истеъмол қилиш 61,5% беморда, хамир овқатларни истеъмол қилиш 48,4% беморда ва кеч овқатланиш 47% беморда аниқланди.



1-расм. Семизлик ва БА кузатилган болаларда анамнестик маълумотларнинг омилли таҳлили

Телевизор кўраётиб овқатланишда RR=1,327; AR=0,08; EF=24,64%; OR=3,783RR=1,5; AR=0,32; EF=33,42%; OR=3,7, ёмон кайфиятда тўйиб овқатланиш, қовурилган овқатларни истеъмол қилишда RR=1,77; AR=0,42;EF=43,56%; OR=5,9, ширинлик ва пишириқлар истеъмол қилишда RR=1,6; AR=0,36; EF=37,5%; OR=4,8, хамир овқатларни истеъмол қилишда RR=1,44; AR=0,28; EF=30,65%; OR=3,76, кеч овқатланишда RR=1,45; AR=0,28; EF=30,98%; OR=3,94 ни ташкил қилади (2-расм). Омилли таҳлил кўрсатишича, БА кузатилган болаларда етакчи клиник симптомлар ҳансираш ва нам йўтал бўлган. Семизлик билан БА кузатилган болаларда улар барча (150 (100%)) беморларда кузатилди, назорат гуруҳида уларнинг улуши 88,3% ва 68,3% ни ташкил қилди (P<0,001), ҳансирашда RR=5,67; AR=0,117; EF=82,36%; OR=17,03, нам йўталда RR=15,18; AR=0,317; EF=93,41%; OR=59,58 мосликда ташкил қилди.

Асосий гуруҳда ҳолсизлик ва терлаш 1,558 ҳолатда кузатилди, 1,526 марта кўп учради, ортиқча касаллик улуши 0,204 ва 0,321, этиологик улуш 35,81% ва 34,47% га тенг бўлди, имконият муносабати БА кузатилган гуруҳга нисбатан 3,146 ни ташкил қилиб, 5,4012 марта юқори бўлди. Метаболик синдром билан БАда бўғилиш хуружи, лоҳаслик ва периорал хириллаш 91,5%, 95,3% ва 98,4% беморда учради (p<0,001), бўғилиш хуружида RR=1,49; AR=0,115; EF=39,2 %; OR=2,705, лоҳасликда RR=2,568; AR=0,204; EF=61,1%; OR=6,89, периорал хириллашда RR=3,182; AR=0,101; EF=68,6%; OR=8,473 ни ташкил қилди.

2-расм. Текширилаётган болалар фон ҳолатининг омилли таҳлили

Ташқи нафас функциясини текшириш натижалари бўйича семизлик билан БА кузатилган беморларда пикфлоуметрия (керакли кўрсаткичдан фоизларда нафас чиқариш энг юқори тезилиги ифодаланди) нормал тана вазнига эга БА кузатилган беморларга нисбатан 17% паст ($p<0,05$) кузатилди. Спирография маълумотларига кўра, семизлик билан БА кузатилган беморларда ФЎТХ кўрсаткичлари назорат гуруҳига нисбатан 20% га пасайган ($p<0,05$), биринчи гуруҳ беморларида бу кўрсаткич 12% га камайди, гуруҳлар аро тафовут 13% ни ташкил қилди. Семизлик билан БА кузатилган беморларда ФНХ1 кўрсаткичлари ўртача 45% га пасайди, гуруҳлараро таққосланганда фарқ 31%ни ташкил қилди ($p<0,05$). Тиффно модификацияланган индексининг камайиши (ФНХ1/ФЎТХ) бронхиал обструкциянинг мавжудлигини кўрсатади, нормада 70-85 % ни ташкил қилади. Семизлик билан БА кузатилган беморлар гуруҳида семизликсиз БА кузатилган беморлар гуруҳига нисбатан Тиффно индекси 20% пасайгани аниқланди ($p<0,05$).

Қонда глюкоза концентрациясининг ошиши инсулин резистентлигининг ишончли кучайиши фонида бўлиб ўтди. Углевод алмашинувининг бириккан бузилиши 26 (76,5%) нафар болада аниқланди. Базал инсулиннинг ошиши билан наҳорги ошган гликемиянинг бирикиши жуда кўп учради, HOMA-R инсулин резистентлиги индексининг мос ҳолда ошиши 21 (61,8%) болада кузатилди ($P<0,05$) (3-расм).



3-расм. Семизлик билан БА кузатилган болаларда углевод алмашинуви кўрсаткичлари (мкМЕ/мл)

Касал болаларимизда аниқланган липидларни ташувчи тизим кўрсаткичларининг сифат ва миқдорий жиҳатдан энг аниқ номлари гипертриглицеридемия, паст зичлик липопротеидларининг ошиши ва юқори зичлик липопротеидларининг камайиши ҳисобланади (4-расм). Семизлик билан БА кузатилган болаларда (P<0,01), триглициридлар (1,63±0,01 ммоль/л 1,3±0,04 ммоль/л га қарши; P<0,01) ва юқори зичлик липопротеидларининг (1,1±0,02 ммоль/л 1,32±0,05 ммоль/л га қарши; P<0,01), паст зичлик липопротеидларининг камайиш фонида (3,43±0,03 ммоль/л 2,8±0,04 ммоль/л га қарши; P<0,01) (4-расм).



4-расм. БА кузатилган болаларда липид спектрининг кўрсаткичлари (ммоль/л)

Семизлик билан БА кузатилган болаларда D витамини даражасини ўрганишда 16,8±0,79 нг/мл га ишончли камайганлиги аниқланди, бунда соғлом болаларнинг ўртача кўрсаткичи 2,5 марта (34,08±2,2нг/мл; p<0,001) камайди ҳамда семиришсиз БА кузатилган болалар кўрсаткичга таққосланганда пастлиги кузатилди (20,2±1,24нг/мл ва 16,8±0,79нг/мл мос ҳолда p<0,01).

Шундай қилиб, бронхиал астмада болаларда семизлик шаклланишига сабаб бўлувчи ривожланиш хавф омиллари ва учраш даражаси аниқланди, шунингдек унинг БА клиник кўринишига бевосита таъсири кўрсатилди.

Олинган натижалар кўрсатишича, семизлик билан БА кузатилган болаларда D витамини танқислигининг мавжудлиги ўпканинг тириклик сиғими (ЎТС) кўрсаткичини камайтириб, нафас экскурсиясини чегаралайди, ўпканинг механик хусусияти ўзгаришига сабаб бўлади. Нафас йўлларидаги яллиғланиш жараёни эса ФНХ1 тезкор кўрсаткичини пасайишида ифодаланувчи нафас йўллари ўтказувчанлигининг бузилишини чақиради.

Кичик гуруҳлар ўртасида аниқланган тафовутлар семизлик билан БА нинг клиник кечиши характери шаклланишида D витамини танқислигининг сезиларли аҳамияти ҳақида маълумот беради. D витамини танқислиги БА дан алоҳида бўлмаган ТНФ га салбий таъсир кўрсатади.

Юқоридаги маълумотлар асосида таъкидлаш жоизки, патогенез мураккаблиги, патологик жараёнлар каскадлиги, D витамини танқислиги, шунингдек липид ва углевод шикастланиш чуқурлиги ушбу касалликни ўз вақтида профилактика қилиш учун семизлик билан БА кузатилган болаларда D витаминини қўшиш зарурлигини кўрсатади.

Диссертациянинг **«Семизлик билан бронхиал астма кузатилган беморларда комплекс даволаш тадбирларининг самарадорлиги»** деб номланган тўртинчи бобида семизлик билан бронхиал астма кузатилган болалар профилактикаси бўйича қиёсий (дифференциал) ёндашувларга асосланган. Клиник симптомлар динамикаси, шунингдек семизлик билан БА кузатилган болаларда биокимёвий ва функционал маълумотлар натижаси таҳлил қилинди.

Семизлик билан БА кузатилган болаларда касаллик клиник кечишини баҳолаш болаларда (3-гуруҳ) олиб борилган номедикаментоз терапия вариантлари билан касалликнинг асосий клиник намоён бўлиш даражасининг боғлиқлигини аниқлади, бўғилиш хуружлари, нам, перорал хириллаш давомийлигининг камайиши, бош оғриғи, терлаш, ўпкада нам ва қуруқ хириллаш, лоҳасликнинг камайиши, иштаҳанинг йўқолиши кузатилди (P<0,001). Тадқиқот натижаларида кўрсатилишича (1-жадвал), 12 ой ўтгач 2 – гуруҳ болаларида тана вазни 1,5 мартага камайгани аниқланди, бу 14 (31,1%) ни ташкил қилган, 3-гуруҳда номедекаментоз терапия билан D витаминини биргаликда қабул қилган беморларда эса 1-гуруҳдаги 12 (31,3%) беморлар кўрсаткичига нисбатан 3,5 марта камайиб, 8 (16,7%) ни ташкил қилган.

1-жадвал

Семизлик билан БА кузатилган беморларда асосий клиник симптомларнинг анқлаш давомийлиги (M±m)

Кунлик клиник симптомлар	1-гуруҳ (n=37)	2 -гуруҳ (n=45)	3 - гуруҳ (n=48)
Бош оғриғи	6,6±0,2	5,8±0,2	4,6±0,3***^^
Терлаш	7,3±0,2	6,4±0,2*	5,5±0,3***
Лоҳаслик	5,7±0,3	4,9±0,2	4,2±0,2
Иштаҳанинг йўқолиши	7,0±0,2	6,2±0,3	4,5±0,3***^^^
Ҳансираш	6,3±0,2	5,6±0,2*	4,7±0,2***^
Бўғилиш	6,9±0,2	4,9±0,2	4,1±0,2***^
Нам йўтал	10,2±0,4	9,4±0,2	8,1±0,3**
Перорал хириллаш	6,3±0,1	5,8±0,2	4,6±0,3**
Қуруқ хириллаш	7,5±0,2	6,1±0,2*	5,2±0,3**
Нам хириллаш	7,6±0,2	6,4±0,2	5,5±0,3

Илова: * - 1-гуруҳга нисбатан фарқлар сезиларли (* - P<0,05, ** - P<0,01, *** - P<0,001), ^ 2- гуруҳга нисбатан фарқлар сезиларли (^ - P<0,05, ^^^ - P<0,001)

2 ва 3-гуруҳларда даволашдан кейин 12 ой ўтгач, ТВИ кўрсаткичларининг ишончли камайгани кузатилди, унда 1-гуруҳда бу кўрсаткичлар умуман ўзгармади (5-расм). Тадқиқот натижалари кўрсатишича, кузатувдан 12 ой ўтгач 2-гуруҳ болаларида 14 (31,1%)ни ташкил қилган тана вазни 1,5 марта камайгани аниқланди. Самарадорликнинг ўта юқори натижаси номедикаментоз терапияга D витаминини қўшиб олган 3-гуруҳ беморларида 1-гуруҳ беморларига нисбатан 12 (31,3%) 3,5 марта юқорилиги аниқланган, у 8 (16,7%) ни ташкил қилган.



5-расм. Семизлик билан БА кузатилган беморларда антропометрик кўрсаткичлар динамикаси, (%)

Хуруждан кейинги даврда беморларнинг пикфлоуметрик кўрсаткич–ларини баҳолашда НЧЭЮТ талаб қилинадиган 80% га мос равишда 50% ва 84,2% ҳолатда қайд этилган НЧЭЮТ эса талаб қилинадиган қийматдан семизлик билан БА кузатилган болалар гуруҳида <80% кўп кузатилган (P<0,05).

Барча даволаш гуруҳларида ТНФ кўрсаткичларини динамик баҳолашда кўрсаткичларнинг меъёрда тикланиши аниқланган. Учинчи гуруҳ болаларида ҳам дастлабки маълумотларга нисбатан ТНФ кўрсаткичларининг ишончли яхшиланганлиги кузатилган, бу D витамини билан дифференцияланган терапиядан хабар беради ҳамда бронхлар обструкциясига сабаб бўлмай, аксинча ТНФ кўрсаткичларини яхшилайди.

Семизлик билан БА кузатилган беморларнинг биокимёвий маълумот кўрсаткичларига дифференцияланган даволаш кўрсатган таъсирнинг таҳлили ўрганилаётган параметрлар бўйича ижобий самарани аниқлади. 12 ойлик дифференцияланган терапия фонида наҳорги иммунорегулятор индекс (ИРИ) концентрациясининг пасайишга мойиллиги (P<0,001), 1-гуруҳ кўрсаткичларига таққосланиб аниқланди (P>0,001). Инсунорезистентлик (ИР) даражасини тавсифловчи HOMA-R индекси, 2-гуруҳ беморларида 3-гуруҳ беморларига нисбатан 1,6±0,09мкМЕ/мл гача сезилмас даражада ўзгарди 3,5±0,14 мкМЕ/мл.

Семизлик билан БА кузатилган болаларда даволашдан 12 ой ўтгач глюкозанинг ўртача кўрсаткич даражаси ишончли камайди, бу кўрсаткичлар 3-гуруҳ болаларида ҳам сезиларли камайди. Глюкоза кўрсаткич даражасининг ишончли камайгани аниқланди (P<0,01 и P>0,001).

Бронхиал астмада семизликни даволашда D витаминини номедикаментоз терапияга қўшиш даволаш таъсирининг самарадорлигини оширади, бу липоротеидлар атероген фракциялари: ТГ, паст зичликдаги липопротеидлар сезиларли ошиши, шунингдек юқори зичликдаги липопротеидларнинг ошишига олиб келади (P<0,001). 2 ва 3-гуруҳ болалари қон зардобида D витамини миқдорининг нормаллашишга мойиллиги аниқланди,1-гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан D витаминининг ишончли ошишида намоён бўлди (P<0,001) (6-расм).



6-расм. Текширилаётган болалар қон зардобида D витамини кўрсаткичлари динамикаси, (M±m)

Катамнестик кузатишлар семизлик билан БА кузатилган болаларда даволашнинг тавсия этилган дифференциал схемасининг юқори самарадорлигини кўрсатди. Даволашнинг дифференциал схемасининг катамнестик кузатув даврида олиб борилган биокимёвий кўрсаткичларга таъсир таҳлили текшириалётган параметрлар бўйича ижобий самарани аниқлади.

Юқоридагилар асосида семизлик билан бронхиал астма кузатилган болаларни номедикаментоз профилактика схемаси ишлаб чиқилди.

Семизлик билан бронхиал астма кузатилган 130 беморни 3,6 ва 12 ойдан кейинги катамнестик кузатуви профилактик тадбирлар самарадорлигини кўрсатди, шу билан бирга анъанавий даволанган гуруҳга нисбатан касаллик кучайиш частотасинининг пасайишини аниқлади.

Семизлик билан БА кузатилган номедикаментоз терапияга D витаминини қўшиб комплекс даволанган болалар касалхонадан чиққандан кейин 3 ой ўтгач БА кучайиши 41,7% беморда, 6 ой ўтгач 27,1% беморда ва 12 ой ўтгач 12,5%беморда, 2 –гуруҳга нисбатан 3-гуруҳ болаларида БА кучайиши 3 ой ўтгач 5,8%, 6 ой ўтгач 7,1%, 12 ой ўтгач эса 12,7% кам кузатилган.

Шундай қилиб, дифференциал даволанган болалар гуруҳида кучайиш частотаси базали даволанган болаларга нисбатан 1,4; 1,7 ва 2,8 марта кам кузатилган (2-жадвал). Тадқиқот натижалари бўйича семиз болаларда БА ни профилактик мақсадда даволашни дифференциал усулини қўллаш самарадорлиги асосланди.

2-жадвал

Семизлик билан биргаликда келган БА кучайиш частотаси

Таҳлил қилинаётган гуруҳлар	1 -гуруҳ (n=37)		2-гуруҳ (n=45)		3-гуруҳ (n=48)	
	абс.	%	абс.	%	абс.	%
3 ой	21	56,8	21	46,7	20	41,7
6 ой	17	45,9	15	33,3	13	27,1
12 ой	13	35,1	13	28,9	6	12,5

Шу билан бирга, узоқ кузатиш натижаларининг таҳлилидан амин бўлдикки, семизлик билан БА кузатилган бемор болаларни D витаминини қўллаш орқали даволашнинг дифференцияланган чизмасидан фойдаланиш шубҳасиз афзалликка эга, асосан: касалликни яхши кечиши, кучайиш частотасини камайтириш билан давомли ремиссияга эришишга имкон берувчи клиник-биокимёвий ва функционал маълумотларни яхшилайди. Шу билан бирга юқорида берилганлар асосида БА кузатилган болаларни диагностика қилиш ва даволаш чизмасини ишлаб чиқдик (7-расм.).

Тавсия қилинган комплекс профилактика самарадорлигини баҳолаш, илмий асосланган кўрсаткичларни аниқлаш, семизлик билан БА кузатилган бемор болаларда диагностика ва профилактика чизмасини ишлаб чиқишга имкон яратди.

Шундай қилиб, берилган тадқиқот натижаларини умумлаштириб, таъкидлаш жоизки, семизлик билан БА нинг замонавий клиник-патогенетик

ва патофизиологик намоён бўлишининг чуқурлаштирилган таҳлили болаларда ушбу патология реализациясида биокимёвий статус бузилишига D витамини танқислигининг етакчи ролини кўрсатди. Бу семизлик билан БА кузатилган болаларни профилактика қилишда болага таркибида D витамини бўлган препаратлардан фойдаланиш учун асос ҳисобланади.

Тақдим этилган клиник маълумотлар базали терапияда Аквадетрим, D витаминини (гипоаллерген парҳез, тартиб, бронхолитик терапия (қисқа ва узоқ таъсир қилувчи β2-агонистлари, қисқа ва узоқ таъсир қилувчи ингаляция глюкокортикостероидлари, антилейкотриенлар), антигистамин препаратлари, спазмолитиклар, муколитик ва балғам кўчирувчи препаратлар) қўллаш самарадорлиги, шунингдек номедикаментоз терапия ҳақида маълумот беради.



7-расм. Семизлик билан бронхиал астма кузатилган бемор болаларда номедикаментоз профилактика чизмаси

Олиб борилган терапия фонида ижобий силжишлар барча беморларда қайд этилди, бироқ фақат базали терапия қабул қилган семизлик билан БА кузатилган беморларда биокимёвий ва функционал кўрсаткичлар тўлиқ нормаллашмаган. Комплекс терапия олган болалар гуруҳида қисқа муддатларда касалликнинг клиник кечиши меъёрлашди, биокимёвий ва функционал кўрсаткичлар сезиларли даражада яхшиланди.

Олиб борилган тадқиқотларни якунлаб, хулоса қилиш мумкинки, БА кузатилган беморларда ишлаб чиққан терапиянинг дифференциал чизмамиз касалликнинг клиник кечишига, биокимёвий, иммунологик ва функционал кўрсаткичларига ижобий таъсир кўрсатди, бу эса даволаш-профилактик тадбирларни такомиллаштиришга имкон берди ҳамда касалликнинг нохуш кечишидан огоҳлантирди.

ХУЛОСА

“Семиз болаларда бронхиал астманинг олдини олиш ва ташхисотини такомиллаштириш” мавзусида олиб борилган диссертация иши натижасида қуйидагича хулоса қилинди:

1. Бронхиал астма аниқланган болаларда семизликнинг учраш даражаси– 3,1% ва 16,2 % беморда аниқланиб, тана вазнининг ортиқчалиги кузатилди. Омилли таҳлил кўрсатишича, семириш хавфи қуйидаги омилларда ошади: пери- ва постнатал омилларнинг нохуш кечиши, интранатал даврда асоратларнинг нормал тана вазнли болаларга нисбатан ўртача 3 марта кўп кузатилиши, генетик мойиллиги, ҳомиланинг бачадон ичи гипоксияси, эрта ёшда норационал овқатланган. Семиз болаларда ҳамроҳ соматик патология қиёсий гуруҳ 26,5% болаларига нисбатан 51,5 % ТВИ +2СО ва +3СО юқори частотада эканлиги, жисмоний фаолликнинг пастлиги ва норационал овқатланиш аниқланди.
2. Бронхиал астмада семизликнинг клиник намоён бўлиш хусусиятлари: D витамини (етишмовчилиги ва танқислиги) таркибига боғлиқликда спирометрик кўрсаткичлар барча ТНФ кўрсаткичларининг ишончли камайиши, тана вазни индексининг ошиши, ҳансираш давомийлиги, бурун лаб учбурчаги цианози турида гипоксия белгилари, турли хилдаги нам хириллашнинг эшитилиши, ўпкада перкутор ўзгаришлар семизлик кузатилган бронхиал астма болаларида узоқ ва оғир кечди.
3. Семизлик билан астма аниқланган болаларнинг тенг ярмида (56%) қоннинг гидроксикальфероласи танқислиги кузатилган, БА кузатилган болалар гуруҳи сингари танқислик даражаси ишончли тарзда камлиги (38% беморда) аниқланди, бу эса семизлик билан бронхиал астма диагностикасини тўлдириш имконини берди.
4. Кейинчалик метаболик, кардиоваскуляр ва нафас бузилишига олиб келувчи семизлик билан бронхиал астмада диспротеинемия (триглицерид ва юқори зичликдаги липопротеидлар даражасининг ошиши, юқори зичликдаги липопротеидлар концентрациясининг камайиши) ва углевод

алмашинувининг бузилишида (глюкозага толерантлик тестининг ўзгариши) кузатилди.

5. Эрта болалик ёшида семизлик билан бронхиал астмада семизлик оғирлиги клиник-метаболик ўзгаришларнинг ифодаланиши билан яхшиланди; семизликда кам ТВИ га қарамай, дислипидемия, ассоциацияланган инсулин резистентлик, кейинчалик метаболик, кардиоваскуляр ва нафас бузилишига олиб келувчи углевод ҳамда липид алмашинувлари ўзгариши кузатилди.

6. Семизлик билан БА кузатилган болаларда D витаминини қўллаш асосланган ва самарали ҳисобланади, углевод, липид алмашинувлари ва функционал кўрсаткичларининг яхшиланишига сабаб бўлди, 75% ўсмирда шикоятлар миқдори камайди, узоқ давомли ремиссияга эришилди бу эса касаллик башоратини яхшилаш ҳамда даволаш-профилактик тадбирларни такомиллаштириш имконини берди.

7. Катамнестик кузатувлар семизлик билан касалланган БАни дифференциал профилактика чора тадбирлари, қайталаниш даражасини 2,1 мартага камайиши, функционал, биокимёвий кўрсаткичларининг барқарорлашуви билан ифодаланади, бу эса давомли ремиссияга ва натижаларининг яхшилаши билан ифодаланувчи самарадорлигини тасдиқлайди.

НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.04/30.12.2019.Tib.102.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ САМАРКАНДСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ МЕДИЦИНСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ

АНДИЖАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ

МАХПИЕВА ГУЛДОНАХОН КАБИЛЖАНОВНА

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ДИАГНОСТИКИ И ПРОФИЛАКТИКИ БРОНХИАЛЬНОЙ АСТМЫ У ДЕТЕЙ С ОЖИРЕНИЕМ

14.00.09 – Педиатрия

АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ

Самарканд – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2020.2.PhD/Tib1171

Диссертация выполнена в Андижанском государственном медицинском институте.

Автореферат диссертации на двух языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу www.sammi.uz и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziyonet.uz.

Научный руководитель:	**Шамсиев Фуркат Мухитдинович** доктор медицинских наук, профессор
Официальные оппоненты:	**Шарипов Рустам Хаитович** доктор медицинских наук, доцент
	Миррахимова Мактуба Хабибуллаевна доктор медицинских наук, доцент
Ведущая организация:	**Ташкентский педиатрический медицинский институт**

Защита диссертации состоится «26» августа 2022 г. в 12 часов на заседании Научного совета PhD.04/30.12.2019.Tib.102.01 при Самаркандском государственном медицинском университете. (Адрес: 100140, г. Самарканд улица М.Улугбека, дом 70а, 2- клиника СамГМУ (Многопрофилный специализированный центр детской хирургии), Тел/факс: 0(366)-233-58-92,233-79-03, e-mail: shodikulovagulandom@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного медицинского университета (зарегистрирована за №41067). Адрес: г. Самарканд улица Амира Тимура, дом 18 Тел.:/факс: (+998) 66–233–30–34

Автореферат диссертации разослан «1» 15 августа 2022 года.
(Реестр протокола рассылки №3/11 от 13 августа 2022 года).

А.М.Шамсиев
Председатель научного совета по присуждению учёных степеней, д.м.н., профессор

Г.З.Шодикулова
Ученый секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, д.м.н.

Ж.О.Атакулов
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению учёных степеней, д.м.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Во всем мире сочетание ожирения и бронхиальной астмы (БА) у детей характеризуется тяжелым течением этого заболевания и является одной из важнейших медико-социальных проблем. По данным Всемирной организации здравоохранения (ВОЗ), «…в мире насчитывается более 300 млн. больных бронхиальной астмой, и каждый год у 13 миллионов развивается инвалидность... среди причин детской инвалидности бронхиальная астма и ожирение составляют в среднем 12-18%, а дыхательная недостаточность возникает у 85% больных...»[3]. В настоящие время высокий уровень ожирения и бронхиальной астмы у детей, сложность патогенеза и тяжесть последствий этих заболеваний обуславливают необходимость разработки мероприятий по его диагностике, прогнозированию последствий и разработка лечебных мероприятий остается одной из актуальных медико-социальных проблем.

В мире проводятся ряд научных исследований, направленных на определение частоты встречаемости и причин развития бронхиальной астмы и ожирения у детей, особенностей клинико-генетических аспектов, повышение эффективности диагностики и профилактики. В связи с этим особое значение приобретает проведение научных исследований, направленных на выявление патогенетических механизмов и прогностических факторов риска бронхиальной астмы и ожирения у детей, формирование общей клинической картины, согласование методов профилактики и лечения, ранней диагностики и профилактики осложнений соматических заболеваний у детей.

В нашей стране осуществляются комплексные меры, направленные на развитие медицинской отрасли, в частности, ранняя диагностика коморбидного течения ожирения с бронхиальной астмой и снижение его осложнений, а также реализуются комплексные меры, направленные на совершенствование методов лечения и профилактики заболевания у детей с бронхиальной астмой, и достигаются определенные результаты. Ставятся такие задачи «…расширение доступа к качественной медицинской помощи матерям и детям, оказание специализированной и высокотехнологичной медицинской помощи, снижение младенческой и детской смертности…»[4] Исходя из этих задач, оценка факторов риска развития ожирения у детей с бронхиальной астмой, частоты встречаемости, нежелательные явления пери- и постнатальных факторов, оценка генетической предрасположенности, возникновение сопутствующей соматической патологии, возникновение метаболических изменений, уровня липопротеинов и глюкозотолерантного теста в результатекоторых развивается сердечно-сосудистые и респираторные нарушения, проведение количественного анализа витамина D

[3] http://www.who.int/mediacentre.

[4] Постановление Президента Республики Узбекистан от 20 июня 2017 года №УП-3071 «О мерах по дальнейшему развитию оказания специализированной медицинской помощи населению Республики Узбекистан в 2017-2021 годах»

у детей, обосновывая его патогенетическую значимость в течении заболевания, все это позволяет предупредить развитие заболеваемости и тяжелых осложнений, а также снизить показатели инвалидизации.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит решению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан № УП-5590 от 7 декабря 2018 года «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан», Постановлениями Президента Республики Узбекистан №ПП - 4513 от 8 ноября 2019 года «Об улучшении и расширении качества медицинской помощи, оказываемой женщинам репродуктивного возраста, беременным и детям» и №ПП-3071 от 20 июня 2017 года «О мерах по дальнейшему развитию специализированной медицинской помощи населению Республики Узбекистан в 2017-2021 годах» а также в других нормативно-правовых актах, связанных с данной деятельностью.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологии республики. Данное исследование выполнено в соответствии приоритетным направлениям развития науки и технологии республики VI. «Медицина и фармакология».

Степень изученности проблемы. По данным экспертов, ВОЗ, распространенность и смертность от БА продолжает расти (Каганов С.Ю., 2018; Геппе Н.А., 2020). В многочисленных клинических исследованиях выявлено, что в научной и практической медицине все больше отмечается высокая встречаемость сочетанного течения таких социально значимых и широко распространенных заболеваний, как БА и ожирение (Лебеденко А.А. 2018, Трошина Е.А., 2019, Rzehak P. et al., 2019). В результате ограничения физической и социальной активности детей с БА ухудшается их качество жизни больных. БА является наиболее частой причиной инвалидности при хронической бронхолегочной патологии и составляет 70% от общего числа детей-инвалидов вследствие хронических заболеваний легких (Лешукович Ю.В., 2016; Ковалевская М.Н., 2017; Каганов С.Ю., 2018; Геппе Н.А., 2020).

